

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

**“ТИҚХММИ” МТУ БУХОРО ТАБИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ
ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВА ТОЗАГУЛ АЪЗАМОВНА

**БУХОРО ВОҲАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ГИДРОЭКОЛОГИК
ҲОЛАТИГА ТУРЛИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА
УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 631.6:628.1 (575.1)

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Жумаева Тозагул Аъзамовна

Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига турли омилларнинг таъсирини баҳолаш ва уларни яхшилаш йўллари.....3

Жумаева Тозагул Аъзамовна

Оценка влияния различных факторов на гидроэкологическое состояние водных ресурсов Бухарского оазиса и пути его улучшения19

Jumaeva Tozagul Azamovna

Assessment of the impact of various factors on the hydroecological state of the water resources of the Bukhara oasis and ways to improve them.....35

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТИҚХММИ” МТУ БУХОРО ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИ БОШҚАРИШ
ИНСТИТУТИ**

ЖУМАЕВА ТОЗАГУЛ АЪЗАМОВНА

**БУХОРО ВОҲАСИ СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ ГИДРОЭКОЛОГИК
ҲОЛАТИГА ТУРЛИ ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ ВА
УЛАРНИ ЯХШИЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

11.00.03-Қуруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Gr243 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “ТИҚХММИ” МТУ Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хожамуратова Роза Тажимуратовна
география фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муродов Шухрат Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Аденбаев Бахтиёр Ембергенович
география фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «16» май соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш, Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998) 71 2358512, факс: (+998) 71 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№228 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+998)71 2358512, факс: (+998)71 2371319. E-mail: info@nigmi.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил « 3 » май кунини тарқатилди.
(2025 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Б.М.Холматжанов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нишонов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

Х.Т.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда Ер сайёраси аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, шу мақсадда сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ва улар ифлосланишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган масалалар инсоният олдида турган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Сув – бу экотизимлар ҳаёт кучининг манбаи, инсон саломатлиги ва фаровонлигининг туб асоси ҳамда жамият иқтисодий гуллаб-яшнашининг бирламчи шартидир. Бу муаммо ҳақида БМТнинг махсус маърузасида “Сув ресурслари бизнинг келажагимиздир, уларни адолатли тақсимлаш ва бошқариш ҳамда сифатини таъминлаш учун биргаликда ҳаракат қилиш муҳимдир”¹, деб таъкидланади. Охириги йилларда чучук сувга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ва инсон омили таъсирида унинг миқдоран камайиб, сифатининг эса ёмонлашиб бориши сув ресурсларидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилган тадқиқотларни кенг кўламда олиб боришни талаб этмоқда.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, дарё, канал, коллектор ва сизот сувларининг гидрокимёвий ҳолатига турли омилларнинг таъсирини баҳолаш ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, дунё миқёсида сув ресурсларининг турли хил омиллар таъсири натижасида ифлосланишини, уларнинг кўп йиллик гидрологик ва гидрокимёвий режимининг шаклланишини тадқиқ этиш, шу асосида, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш усулларини такомиллаштириш масалалари муҳим ҳисобланади.

Республикамизда сув ресурсларини самарали бошқариш ва сувдан оқилона фойдаланиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида «сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш, аҳолини сув билан кафолатли таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларига сувни барқарор етказиб бериш, сувнинг сифатини яхшилаш ва атроф-муҳитнинг экологик мувозанатини сақлаш»² юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу вазифаларни ҳал этишда дарё, коллектор-зовур, сизот сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимининг шаклланишини белгиловчи табиий географик ва антропоген омиллар натижасида ўзгаришлари билан боғлиқ жараёнларни тадқиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш усулларини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамиятга эга.

¹ Совместный доклад ООН и ЮНЕСКО: «ООН – Водные ресурсы», 2023. www.unwater.org.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги. <https://lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 июндаги 101-сон «Маъмурий ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-145-сон «Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш ҳамда сув истеъмолчилари орасидаги муносабатларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2023 йил 1 апрелдаги ПҚ-107-сон «Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «V. Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарёлар гидрологик режимининг табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгариши, дарёлар оқимининг ўзгаришини гидроэкологик баҳолашнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқиш масалалари кўплаб хорижий олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан, бу масалаларни ўрганиш бўйича чет эллик олимлардан G.F.White, J.A.Rodier, T.D.Steele, Ж.Е.Фергюссон, А.У.Кумар, Hsin-Fu Yeh кабилар тадқиқотлар олиб борганлар.

Собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан О.А.Алёкин, К.П.Воскресенский, А.М.Никаноров, В.Г.Глушков, А.А.Зенин, А.В.Огиевский, И.А.Шикломанов, Ю.И.Израэль, Д.Л.Соколовский каби олимларнинг тадқиқотлари сув ресурсларининг гидрологик режими ва сифатини, уларнинг турли табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгаришини ўрганиш ҳамда бу жараёнларнинг салбий оқибатларини олдини олиш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистонда ушбу муаммони ўрганишга қаратилган илк тадқиқотлар В.Л.Шульц, О.П.Щеглова, А.З.Зоҳидов, Ф.Э.Рубинова, А.Р.Расулов, А.Э.Эргашев ва бошқалар томонидан бажарилган.

Ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги изланишлар М.А.Якубов, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Э.И.Чембарисов, Б.Э.Нишонов, О.Р.Рахматуллаев, Б.Е.Аденбаев, Ё.Қ.Ҳайитов, Р.Т.Хожамуратова, Р.А.Кулматов, А.Б.Расулов каби тадқиқотчилар томонидан давом эттирилмоқда. Ушбу тадқиқотларда асосий эътибор дарёларнинг гидрологик ва гидрокимёвий режимларига, шунингдек, уларнинг турли омиллар таъсирида ифлосланиши масалаларига қаратилган.

Бирок, мазкур тадқиқотларда Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатининг турли омиллар таъсирида ўзгариши масалалари атрофлича ёритилмаган. Мазкур тадқиқот, Аму-Бухоро канали, коллектор, сизот сувларининг гидроэкологик ҳолатига ҳамда ичимлик сувининг

сифатига турли омиллар таъсирини комплекс баҳолаш масалаларига бағишланганлиги билан юқорида қайд этилган тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ТИҚХММИ “МТУ” Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Қишлоқ ва сув хўжалигида муқобил сув манбааларидан фойдаланишнинг самарали йўллари тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш” (2022-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига турли омилларнинг таъсирини баҳолаш ва уларни яхшилаш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидрологик режимини баҳолаш;

Бухоро воҳаси сув ресурслари гидрокимёвий режими кўрсаткичларининг кўп йиллик ўзгаришларини аниқлаш;

воҳадаги дарё, канал, коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимининг шаклланиш хусусиятларини ҳамда уларга таъсир этувчи табиий ва антропоген омилларни баҳолаш;

сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолашда ИСМИТИ мутахассислари томонидан таклиф этилган таснифни такомиллаштириш;

воҳада сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро воҳаси сув ресурслари, Аму-Бухоро машина канали, коллектор-зовур, сизот сувлари ва ичимлик суви танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидрологик ва гидрокимёвий режим элементларининг табиий ва антропоген омиллар таъсирида ўзгаришлари хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда математик статистика, гидрологик ҳисоблаш ва таққослаш усуллари ҳамда сув ресурсларининг гидроэкологик хариталарини тузишда замонавий ГАТ технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидрологик (сув сарфи, оқим ҳажми) ва гидрокимёвий (минерализация, асосий ионлар, биоген ва органик моддалар) режими кўрсаткичларининг кўп йиллик ўзгаришлари баҳоланган;

воҳада дарё, канал ва коллектор-зовур сувлари гидрологик ва гидрокимёвий режимининг шаклланиш хусусиятлари ва уларга таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар аниқланган;

сув ресурслари сифатини баҳолашдаги ИСМИТИ мутахассислари томонидан таклиф этилган тасниф такомиллаштирилган ва таснифга кўшимча тавсиф киритилган;

коллектор-зовур сувларини ифлосланишини камайтириш ва оқава сувларни тозалаш орқали Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидроэкологик

ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро воҳаси ер усти сув ресурсларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимидаги кўп йиллик ўзгаришлар тенденциялари аниқланган;

воҳа коллектор-зовур сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режими кўрсаткичларининг йиллараро ва йил давомида ойлар бўйича ўзгариш хусусиятлари аниқланган;

худуддаги ер ости сув ресурслари гидроэкологик ҳолатини белгиловчи кўрсаткичларнинг кўп йиллик миқдор ва сифат ўзгаришлари баҳоланган;

ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда маъмурий ҳудудлар кесимида канал, коллектор-зовур, сизот сувларининг гидроэкологик ҳолати ва ичимлик сувларининг сифати хариталари ишлаб чиқилган;

воҳа ер усти ва ер ости сувларининг гидроэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати агентлиги (Ўзгидромет) тармоқларида ягона усулда амалга оширилган гидрометеорологик кузатишлар ва ўлчаш ишлари маълумотларидан, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфидаги гидрологик ва сув хўжалиги материалларидан, шунингдек, муаллифнинг мавзу доирасида дала шароитида амалга оширган кузатишлари натижаларидан фойдаланилганлиги, мазкур маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва умумлаштиришда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика, гидрологик умумлаштириш ва бошқа усуллар қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларининг мазкур изланишлар йўналишида бошқа муаллифлар томонидан олинган натижалар билан мослиги ва уларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатига антропоген омилларнинг таъсирини комплекс баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган илмий усуллар ва олинган натижалардан минтақа шароитида сув ресурсларидан рационал фойдаланиш бўйича истиқболли режаларни ҳамда минтақада экологик вазиятни юмшатиш тадбирларини ишлаб чиқиш имкониятларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш, бу ишларни амалга ошириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилиши, диссертация ишида қўлланилган услубий ёндашувлардан олий таълим муассасаларида “Гидроэкология” ва бошқа фанларни ўрганиш жараёнида ўқув жараёнининг сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро воҳаси сув ресурслари сифатининг табиий ва антропоген омиллар таъсирида

ўзгаришини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидрологик (сув сарфи, оқим ҳажми) ва гидрокимёвий (минерализация, асосий ионлар, биоген ва органик моддалар) режими кўрсаткичларининг кўп йиллик ўзгаришлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида Бухоро вилояти сув ресурслари ҳажми ва сифатини таҳлил қилишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 13 мартдаги 03/17-894-сон маълумотномаси). Натижада Бухоро воҳаси сув ресурслари гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятларини аниқлаштиришга имкон берган;

воҳада дарё, канал ва коллектор-зовур сувлари гидрологик ва гидрокимёвий режимининг шаклланиш хусусиятларини ва уларга таъсир этувчи табиий ва антропоген омилларни аниқлаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 13 мартдаги 03/17-894-сон маълумотномаси). Натижада сув ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлаш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган режаларга аниқлик киритилган;

воҳа сув ресурслари сифатини баҳолашнинг такомиллаштирилган гидроэкологик таснифи (табиийга яқинроқ, кам бузилган, бузилган ва кучли бузилган) Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида сув ресурслари ҳолатини баҳолашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 13 мартдаги 03/17-894-сон маълумотномаси). Натижада сув ресурсларини самарали фойдаланиш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имкон берган;

воҳа сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатига таъсир этувчи омиллар ҳисобга олиниб, уни яхшилашнинг мақбул вариантлари тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигида гидроэкологик муаммоларни ҳал этишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 13 мартдаги 03/17-894-сон маълумотномаси). Натижада Бухоро воҳаси ер усти ва ер ости сув ресурслари ҳолатини яхшилаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот ишининг натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқот мавзуининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари белгиланиб, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, шунингдек, натижаларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бухоро воҳаси табиий географик тавсифи ва услубий ёндошувлар”** деб номланган биринчи бобида, Бухоро воҳаси табиий шароитининг ўзига хос хусусиятлари, унинг географик ўрни, гидрографияси билан бир қаторда, иқлим шароитини белгиловчи омиллар тавсифи баён қилинган.


Тадқиқот объекти сифатида Бухоро воҳаси танлаб олинган. Бухоро воҳасининг ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 14,2-15°C атрофида ўзгаради. Июль ойининг ўртача ҳарорати 28,0-29,6°C, январнинг ўртача ҳарорати эса -0,4°C (Қоракўл), -1,5°C (Шофиркон) атрофида кузатилади. Бухоро воҳаси ҳудудида баъзан кучли арктика ҳаво массаларининг кириб келиши ва Сибирь антициклонидан эсаётган шимоли-шарқий ҳаво массасининг туриб қолиши оқибатида ҳарорат совиб кетиб, Когонда -25°C га, Шофирконда эса -20°C га тушади. Ёзда қуёш нурининг тик тушиши оқибатида ҳаво қизиб, ҳарорат +45°C га кўтарилади, бинобарин, мутлоқ йиллик ҳарорат амплитудаси 74°C га боради. Бухоро воҳаси ҳудудида баҳорги охирги совуқ тушишининг ўртача муддати 24-30 мартга, кузги биринчи совуқ тушишининг ўртача муддати эса 22-25 октябрь кунларига тўғри келади. Совуқ бўлмайдиган давр 204-214 кун давом этади. Кузда биринчи совуқ тушишидан олдинги эффектив ҳароратнинг йиғиндиси 2640-2668°C га, вегетация давридаги ҳароратнинг йиғиндиси эса 5000°C га етади.

Бухоро воҳаси ҳудудида ёғинлар ҳудуд ва фасллар бўйича бир хил тақсимланмаган. Бухоро вилояти метеорология станциялари маълумотларига кўра 2018-2021 йилларда атмосфера ёғинларининг ўртача йиллик миқдорлари Бухорода 93,6-142,8 мм, Қоракўлда 98,2-207,9 мм, Жингелдида 120,7-166,1 мм, Оёқоғитмада эса 91,9-143,7 мм оралиқда бўлган. Бухоро воҳаси шароитида иқлимнинг юқорида қайд этилган хусусиятлари, яъни ҳавонинг қуруқ келиши ва ёз ойларида жуда иссиқ бўлиши, ёғин-сочинни жуда кам бўлиши, ер юзасига яқин жойлашган таркибида минерал тузлари кўп бўлган ер ости сувларининг буғланиб кетишини бирмунча тезлаштиради, транспирацияга сарфланадиган сув миқдори кўпайишига, бу эса ўз навбатида шўрланишга мойил бўлган ерларнинг қайта шўрланишига олиб келади

Диссертациянинг **“Аму-Бухоро машина каналининг гидрологик ва гидрокимёвий режими ўзгаришларини баҳолаш”** деб номланган 2-бобида Аму-Бухоро машина канали (АБМК)нинг гидрологик ва гидрокимёвий режимининг кўп йиллик ўзгаришлари кўриб чиқилган.

Бухоро воҳаси суғориладиган ер майдонларини сувга бўлган эҳтиёжини таъминлаш асосан Амударёдан АБМК орқали олинган сув ва қисман Зарафшон дарёси оқими ҳисобига амалга оширилади.

Тадқиқотда АБМК орқали Бухоро воҳасининг суғориладиган ерларига келтириладиган сув миқдорларининг йилларо ўзгаришлари таҳлил қилинди. Шу мақсадда АБМК да 1990-2021 йилларда ўлчанган сув миқдори маълумотларидан фойдаланилди. Амударёдан АБМКга олинган сув миқдорлари динамикаси вегетация (W_v) ва новегетация (W_{nv}) давлари учун таҳлил қилинди. Вегетация даврида энг кўп олинган сув миқдорлари 2006 ва 2017 йилларга тўғри келган. Шу йилларда Амударёдан олинган сув миқдори мос равишда $4118,8 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ ва $4325,2 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ ни ташкил этган. Новегетация даврида ҳам энг катта кўрсаткичлар айнан шу йилларга тўғри келади (1-расм).



1-расм. Амударё дарёси ва ундан АБМКга олинган сув миқдорларининг йилларо тебранишлари (1990-2021 йй.)

1-жадвал

Амударё дарёси (Керки гидропости) билан АБМК га олинган сув миқдорлари орасидаги боғланишлар


т/р	Боғланиш тури	Регрессия коэффициенти	Корреляция коэффициенти ва унинг хатолиги $r \pm \sigma_r$
1.	$W_{\text{АБК}}^{\text{Й}} = f(W_{\text{керк}})$	0,23	$0,479 \div 0,09$
2.	$W_{\text{АБК}}^{\text{В}} = f(W_{\text{керк}})$	0,1	$0,316 \div 0,14$
3.	$W_{\text{АБК}}^{\text{НВ}} = f(W_{\text{керк}})$	0,32	$0,565 \div 0,09$

АБМК ва Амударё дарёси (Керки гидропости)даги сув миқдорлари орасидаги боғлиқлик таҳлили улар орасидаги боғлиқлик юқори эмаслигини кўрсатди.

Диссертациянинг “Бухоро воҳаси сув ресурслари гидрологик ва гидрокимёвий режимининг кўп йиллик ўзгаришлари” деб номланган 3-бобида коллектор-зовур, ичимлик суви ҳамда ер ости сизот сувларининг гидрологик ва гидрокимёвий режимининг кўп йиллик ўзгаришлари ўрганилган.

Бухоро вилоятидаги йирик коллекторлар куйидагилар: Ғарбий–Ромитан, Шимолий–Бухоро, Параллел, Денгизкўл, Марказий–Бухоро, Бош–Қорақўл. Вилоятдаги коллектор-дренаж сувларининг минераллашуви 1700-2000 мг/л ни ташкил қилганда, кимёвий таркиби гидрокарбонат-хлорид-сульфатли-магний-натрий-кальцийли (ГХС-МНК) бўлади ва минерализациянинг ортиши билан (5500-7000 мг/л) хлорид-сульфатли-магний-натрийли (ХС-МН) ташкил қилувчилар ортади.

Вилоятдаги мавжуд коллекторлардаги сувларнинг минерализацияси ўзгариб туради. Бунинг асосий сабаби об-ҳавонинг иссиқ келиши ҳамда суғоришга берилган сувнинг таркиби ва тупроқ таркибининг шўрлилик даражаси юқори бўлганлигидандир. Қорақўл ва Олот туманларидаги суғориладиган ерлардан чиқадиган сизот сувларининг минерализацияси жуда юқори бўлиб, ўртача 5612 мг/л ни ташкил этади. Бу минтақадан чиқадиган сизот сувлар “Бош–Қорақўл” ва “Денгизкўл” коллекторлари орқали ўтказиб юборилади. Бухоро, Когон, Жондор туманларидаги суғориладиган ерлардан чиқадиган сизот сувлари “Параллел”, “Марказий–Бухоро” ва “Ғарбий Ромитан” коллекторлари орқали чиқиб кетади (2-расм). “Ғарбий Ромитан” ва “Марказий–Бухоро” коллекторлари сувини “Шўркўл” (Замон бобо) ташламасига ташлайди ва сувнинг минерализацияси 4120 мг/л ни ташкил этади. 2021 йилда Бухоро вилоятидаги суғориладиган майдонлардан коллекторлар орқали 1590,4 млн.м³ сизот сувлари чиқариб юборилган. Шундан 1474,5 млн.м³ коллекторлар ва 115,9 млн.м³ тик-дренаж қудуқлари орқали чиқарилган.



2-расм. Бухоро вилоятининг маъмурий туманлари бўйича коллектор-зовур сувларининг ўртача 2023 йилдаги сув сарфи, миқдори ва минерализацияси бўйича тақсимланиши (харита муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

Диссертация ишида минтақанинг гидроэкологик ҳолатини баҳолашда нафақат дарё (суғориш), коллектор-зовур ва сизот сувларининг (ер ости сувлари) сифати, балки маҳаллий аҳолининг саломатлигига бевосита таъсир кўрсатадиган ичимлик сувининг сифати ҳам баҳоланган.

Бухоро вилоятида ичимлик сувининг асосий манбалари Амударё дарёси суви, туман ҳудудларидаги ер ости қудуқлари ва минтақавий “Дамхўжа” магистрал сув қувури ҳисобланиб, жами 37 та сув тозалаш иншоотлари мавжуд. Аҳолининг тоза ичимлик сув таъминоти эса Бухоро шаҳрида 100%, Когон шаҳрида 100%, Ғиждувон 38,5%, Шофиркон туманларида 25,4 %, Когон туманида 60,4%, Олот туманида 89,3%, Пешку туманида 48,4%, Бухоро туманида 89,2%, Вобкент туманида 57,1%, Қорақўл туманида 87%, Қоровулбозор туманида 93,2%, Ромитан туманида 42,8% ва Жондор туманида 26,6% ни ташкил этган.

Бухоро воҳасида фойдаланилаётган гуруҳли сув олиш иншоотлари асосан вилоятдаги шаҳарлар, туманлар марказларини ва баъзи туманлардаги қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашга мўлжалланган. Бугунги кунда шаҳарлар ва туман марказларида, қишлоқларда аҳолининг кўпайиши муносабати билан ичимлик сувга бўлган эҳтиёжлари ортиб бормоқда. Бу воҳадаги Қорақўл, Жондор, Ромитан, Янгибозор сув олиш иншоотларидан сунъий тўйинтириш ҳисобидан ишлатилса, қолганлари эса табиий ресурслар ҳисобидан, яъни Зарафшон ва Вобкент дарёлари, каналлар ва ариқлар сувларининг сизилиб ўтиши натижасида йиғилган ер ости сувларидан фойдаланилади. Кўпчилик сув олиш иншоотларининг минерал таркиби ва қаттиқлиги ичимлик сувига мўлжалланган рухсат этилган меъёрдан юқорилиги кузатилади. Бундай ҳолат Қорақўл, Жондор, Шофиркон, Гала-Осиё, Ромитан сув олиш иншоотларида кузатилади. Бунга канал ва ариқларда сувларнинг доимий равишда оқмаслиги (январь, апрель ойларида), тупроқларни қаттиқлиги ва минерал таркиби юқори бўлган зовурлардан насослар орқали суғорилиши, зовурларнинг тозаланмаслиги ва уларнинг туб аҳоли томонидан кўмилиши сабаб бўлади. Бунда ер ости сувларининг минераллашув ҳолати Қорақўлда 2100-2200 мг/л, қаттиқлиги 11,0-21,0 мг-экв/л ни, Жондорда 2200-2400 мг/л, қаттиқлиги 22,5-24,0 мг-экв/л ни, Шофирконда 2500-2700 мг/л, қаттиқлиги 25,0-26,50 мг-экв/л, Ромитанда эса 1500-1700 мг/л, қаттиқлиги 12,7-13,0 мг-экв/л ни ташкил этган.

Сизот сувларининг гидрокимёвий режими суғориладиган майдонларга бериладиган оқова сувлари миқдори ва минерал таркиби ҳамда унинг жойлашуви билан узлуксиз боғлиқ. Худди шу сабабдан ҳам вилоят суғориладиган майдонлар ҳудудида сизот сувлари таркибидаги минерал тузлар миқдори бўйича учга бўлинади, яъни таркибидаги тузлар миқдори 1000-3000 мг/л гача бўлган ҳудудлар, булар Бухоро, Вобкент, Пешку туманлари киради, ер ости сизот сувлари таркибидаги тузлар миқдори 3000-5000 мг/л гача бўлган ҳудудлар - буларга Қоровулбозор, Ромитан, Ғиждувон, Шофиркон туманлари суғориладиган ер майдонларининг

аксарият қисми киради ҳамда 5000 мг/л дан юқори бўлган ҳудудлар, буларга Қоракўл, Олот туманларининг аксарият майдонлари киради.

Диссертациянинг сўнги “**Бухоро воҳаси сув ресурслари сифатини баҳолаш ва уларни яхшилаш бўйича тавсиялар**” деб номланган **4-бобида** сув ресурсларининг гидрологик ва гидрокимёвий ҳолатини баҳолашнинг комплекс баҳолаш масалалари кўриб чиқилган.

Таҳлилларга кўра, Бухоро вилоятида 2019-2020 йилларда маъмурий туманлар кесимида суғориш сувларининг ўртача минераллашуви қуйидагича бўлган: Бухоро туманида 950-1100 мг/л; Вобкент туманида 1500-1550 мг/л; Жондор туманида 1450-1490 мг/л; Когон туманида 960-1140 мг/л; Олот туманида 900-1040 мг/л; Пешку туманида 1320-1500 мг/л; Ромитан туманида 1450-1400 мг/л; Шофиркон туманида 1800-1940 мг/л; Қоракўл туманида 820-1120 мг/л; Қоровулбозор туманида 890-1110 мг/л; Ёждувон туманида эса 1730-1820 мг/л ни ташкил этган.

Суғориш сувининг сифатига кўра энг қулай гидроэкологик шароитлар Бухоро, Когон, Қоракўл ва Қоровулбозор туманларида кузатилади, бошқа туманларда суғориш сувининг минераллашуви 1800-1940 мг/л гача кўтарилган.

Коллектор-зовур сувларининг минераллашуви турли характерга эга бўлиб, бу суғориладиган тупроқларнинг турли хил шўрланишига ва ер ости сувларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Кўпчилик коллекторлар сувидаги минераллашув 2600-4000 мг/л оралиғида, баъзиларида 5800-6500 мг/л оралиқда кузатилди.

Бухоро воҳаси коллектор сувларидаги минерализация ва асосий ионларнинг таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Бухоро воҳаси коллектор сувларининг минераллашуви ва кимёвий таркиби (2010–2022 йй.) (Бухоро мелиоратив экспедиция маълумоти)

Коллектор	Минерализация, мг/л	Асосий ионларнинг таркиби, % экв						Сув таркиби
		HCO ₃ ⁻	SO ₄ ⁻	Cl ⁻	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Na ⁺ +K ⁺	
Оғитма	1790	7,5	35,9	6,6	2,8	20,2	27,0	С–МН
Шимолий _(ю)	1870	7,9	32,5	9,6	1,22	25,6	12,2	С–КНМ
Эски Амир-Темур	1970	7,7	33,0	9,3	13,6	19,2	17,2	С–КНМ
Мохонкўл _(ю)	2440	5,8	34,2	10,0	11,4	24,3	14,3	ХС–КНМ
Шўрариқ	2990	5,5	33,9	0,6	11,4	19,6	19,0	С–КНМ
Мохонкўл _(ў)	3560	4,8	36,2	9,0	13,9	27,9	8,2	С–КМ
Денгизкўл _(ю)	3660	4,0	32,3	13,7	10,0	16,8	23,2	ХС–КМН
Шимолий _(к)	3810	4,9	36,7	8,4	9,1	22,7	18,3	С–НМ
Асосий Бухоро	4930	3,4	29,7	16,9	8,3	19,0	22,7	ХС–МН
Мохонкўл _(к)	6600	2,0	30,8	17,2	7,1	21,3	21,6	ХС–МН
Асосий Қоракўл	8610	2,3	27,7	20,0	3,3	20,3	26,4	ХС–МН
Денгизкўл _(к)	9110	1,5	24,4	24,1	7,2	27,3	15,5	ХС–КМН

Олинган маълумотлар таҳлилига кўра, коллектор-зовур сувларининг ҳажмлари, минераллашуви ва кимёвий таркиби ўртача 2010–2022 йиллар учун қуйидагича ўзгарган: Бухоро туманида коллектор сувларининг ҳажми $W=0,26 \text{ км}^3$, ўртача минераллашув қиймати $M_{\text{ўрт}}=2650 \text{ мг/л}$ га, асосий кимёвий таркиби хлорид–сульфат–натрий-магнийли (ХС-НМ), Вобкент туманида $W=0,20 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=3010 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ (хлорид–сульфат–натрий-магний); Жондор туманида $W=0,28 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=3380 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ; Когон туманида $W=0,15 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=3430 \text{ г/л}$, таркиби ХС-НМ; Олот туманида $W=0,17 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=5110 \text{ мг/л}$; таркиби ХС-НМ; Пешку туманида $W=0,22 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=3120 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ; Ромитан туманида $W=0,24 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=3180 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ; Шофиркон туманида $W=0,16 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=3060 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ; Қорақўл туманида $W=0,24 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=4980 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ (хлорид–сульфат–натрий-магнийли); Қоровулбозор туманида $W=0,14 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=4650 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ; Гиждувон туманида эса $W=0,19 \text{ км}^3$, $M_{\text{ўрт}}=2840 \text{ мг/л}$, таркиби ХС-НМ (хлорид–сульфат–натрий-магний) дан иборат бўлганлиги аниқланди.

Маълумотларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, Бухоро воҳасида гидроэкологик ҳолат бузилган бўлиб, энг кучли бузилиш Қорақўл, Қоровулбозор ва Олот туманларида кузатилмоқда (3-расм).

1990-2021 йиллар давомидаги кўп йиллик маълумотларга кўра Бухоро вилоятидаги суғориладиган майдонларда сизот сувлари сатҳининг ўртача чуқурлиги Бухоро, Вобкент, Пешку, Қоровулбозор туманларида 2,50-3,17 м, вилоят маркази атрофидаги Когон, Жондор, Гиждувон, Шофиркон, Ромитан туманларида 2,23-2,77 м, Олот, Қорақўлда эса 1,95-2,50 м ни ташкил этган. Таҳлилларга кўра ер ости сувлари минераллашувининг энг юқори қийматлари Бухоро, Жондор, Когон, Олот, Ромитан, Шофиркон, Қорақўл туманларида кузатилган. Шунингдек, ер ости сувларининг минераллашуви суғориш суви меъёрларидан (1000 мг/л гача) ортган.



3– расм. Бухоро вилояти маъмурий ҳудудлар кесимида сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолати харитаси (харита муаллиф томонидан ишлаб чиқилган)

3-расмдаги харитадан кўриш мумкинки, амалда Бухоро воҳасида гидроэкологик вазият бузилмаган, яъни табиийга яқин ҳудуд йўқ. Умуман олганда, воҳада сув ресурсларининг кучли бузилган гидроэкологик ҳолати кузатилади, бу эса сув таркибида РЭМ дан ортган 4-5 га яқин ингредиентлар борлигидан далолат беради. Бу одатда магний, натрий, нитрит азоти, минерализация, сульфатлар, мис, КБИ₅ лар ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ИСМИТИ мутахассислари томонидан тавсия этилган таснифга асосланиб, муаллиф томонидан ушбу таснифга қўшимча сифатида” бузилган” таснифи тавсия этилди (3-жадвал).

3-жадвал

Сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолаш бўйича тасниф

Баҳолаш мезонлари	Э.И.Чембарисов таснифи	Муаллиф тавсияси
ГОСТ-2874-2011 “Ичимлик суви”, Сан ПиН 4630-88 “Юза сувларини муҳофаза қилишнинг санитар қоидалари ва меъёрлари”, РЭМ қийматидан ошмаслиги керак.	Табиийга яқинрок	Табиийга яқинрок
Инсон саломатлиги учун энг кам хавфли, 2-3 ингредиент РЭМ дан ошган ва паст хавфли элементларга тегишли (IV ва III синфлар)	Кам бузилган	Кам Бузилган
4-5 ингредиент РЭМ дан ошган ва паст хавфли элементларга тегишли (IV ва III синфлар)		Бузилган
5 дан ортиқ ингредиентлар РЭМ дан ошган ва I-II хавф синфига тегишли	Кучли бузилган	Кучли бузилган
Эслатма: хавф синфлари СанПиН 4630-88 бўйича: I синф – ўта хавфли ингредиентлар; II синф - юқори хавфли, III синф – хавфли ингредиентлар ва IV синф – унча катта бўлмаган хавфли ингредиентлар		

Тадқиқот натижалари Бухоро воҳаси сув ресурсларининг ифлосланиш даражаси юқори эканлигини кўрсатди ва бу ҳолат кейинги йилларда антропоген омиллар таъсири натижасида ёмонлашувга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, Бухоро воҳаси аҳолисини сифатли сув билан таъминлаш учун қуйидагилар тавсия этилади:

- турли мақсадларда фойдаланишга яроқли бўлган ер ости сувларининг узлуксиз мониторингини олиб бориш;

- ичимлик сувларини тозалашнинг технологик жараёнларида муқобил энергиялардан фойдаланиш (куёш, шамол);

- замонавий технологиялардан фойдаланиб сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини баҳолаш учун биотестни нафақат гидрокимёвий кўрсаткичлар, балки гидробиологик кўрсаткичлар бўйича ҳам ўтказиш;

- коллекторларда коллектор-зовур сувларининг ифлосланишини камайтириб ундан қайта фойдаланиш имконини берувчи биоплато - ҳар хил турдаги юқори сув ўсимликлари (эйхория, азолла) ўстириладиган бир неча каскадли гидротехник иншоотлардан фойдаланиш;

- суғориш жараёнида сув исрофини камайтириш, зовур сувлари шаклланадиган жойларда сувдан тўлиқ фойдаланиш, коллектор сувларини дарёларга ташлашдан олдин кимёвий ва биологик тозалашнинг янги усулларида фойдаланган ҳолда тозалашни таъминлаш.

ХУЛОСА

1. Диссертация ишида Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини белгилаб берувчи омиллар атрофлича баҳоланди.

2. Бухоро воҳасининг асосий сув манбалари - Аму-Бухоро машина канали, Қуйимозор, Тўдакўл, Шўркўл сув омборлари ҳамда кўшимча сув манбаси сифатида қисман Зарафшон дарёсининг суви ҳисобланади.

3. Сувни Амударё дарёсидан олувчи Аму-Бухоро машина канали сув ҳажмининг динамикаси таҳлил қилинди. 1990-2021 йиллар давомида йиллик оқим миқдори $3319,5 \div 6565,3 \cdot 10^6 \text{ м}^3$ оралиқда ўзгарган, энг кам сув ҳажми 1993 йилга, энг катта сув ҳажми эса 2017 йилга тўғри келган.

4. Аму-Бухоро машина канали сувининг гидрокимёвий кўрсаткичлари таҳлилига кўра суғориш сувининг минерализацияси 820-1940 мг/л оралиқда ўзгарганлиги аниқланди.

5. Бухоро воҳасидаги йирик коллекторлар: Ғарбий-Ромитан, Шимолий, Марказий-Бухоро сувлари минерализацияси 1700-2000 мг/л, кимёвий таркиби гидрокарбонат-хлорид-сульфат-магний-натрий-кальцийли (ГХС-МНК). Минерализацияси юқори (5500-7000 мг/л) бўлган Параллел, Денгизкўл коллекторларининг таркиби хлорид-сульфат-магний-натрийли (ХС-МН) эканлиги аниқланди.

6. 2010-2022 йиллар давомида коллектор-зовур сувлари минераллашуви Бухоро туманида 2650 мг/л, Ғиждувон туманида 2840 мг/л, Вобкент туманида 3010 мг/л, Шофиркон туманида 3060 мг/л, Пешку туманида 3120 мг/л, Ромитан туманида 3180 мг/л, Жондор туманида 3380 мг/л, Когон туманида 3430 мг/л, Қорақўл туманида 3980 мг/л, Қоровулбозор туманида 4650 мг/л ва Олот туманида 5110 мг/л эканлиги аниқланди.

7. 1990-2021 йиллар маълумотларига кўра Бухоро вилоятидаги суғориладиган майдонларда сизот сувларини сатҳининг ўртача жойлашуви Бухоро, Вобкент, Пешку, Қоровулбозор туманларида 2,50-3,17 м, вилоят маркази атрофидаги туманлар Когон, Жондор, Ғиждувон, Шофиркон, Ромитанда 2,23-2,77 м, Олот, Қорақўлда эса 1,95-2,50 м ни ташкил этган.

8. Жўйзар канали суви таркибидаги нитрит ионлари энг юқори миқдори 0,092 мг/л (2019 й.), нитрат ионлари 16,5 мг/л (2021 й.) бўлса, Қуйимазор сув омборидан тортилган қувурларда нитрат миқдори 13,3 мг/л (2022 й.) гача ортган. Шунингдек, Зарафшон қувури, Жондор, Қорақўл, Олот ва Когон сув олиш иншоотларида ҳам ушбу ионларнинг РЭМ дан ошганлиги аниқланди.

9. Ҳозирги кунда Бухоро вилояти ер ости сувларининг сифати минерализация ва умумий қаттиқлик бўйича «O`zDst-950:2011» талабларига

жавоб бермайди. Жумладан, сувларнинг минерализация даражаси Қорақўлда 2100-2200 мг/л, қаттиқлиги 11,00-21,00 мг-экв/л, Жондорда 2200-2400 мг/л, қаттиқлиги 22,50-24,00 мг-экв/л, Шофирконда 2500-2700 мг/л, қаттиқлиги 25,0-26,50 мг-экв/л, Ромитанда 1500-1700 мг/л, қаттиқлиги 12,70-13,00 мг-экв/л, Пахтаобод сув олиш иншоотида эса сувнинг минерализацияси 400-500 мг/л, қаттиқлиги 4,00-6,00 мг-экв/л ни ташкил этган.

10. Тадқиқот ишида гидроэкологик ҳолат бўйича ИСМИТИ мутахассислари томонидан таклиф этилган таснифга кўшимча янги-“бузилган” тавсиф ишлаб чиқилди.

11. Бухоро воҳаси сув ресурслари гидроэкологик ҳолатини акс эттирувчи ГАТ хариталари яратилди. Ушбу хариталардан сув режими ва сифати назорати билан шуғулланувчи ҳамда қарор қабул қилувчи ташкилотларда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш режаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш тавсия этилади.

12. Диссертация тадқиқоти натижаларига асосланиб, Бухоро воҳаси сув ресурсларининг гидроэкологик ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**БУХАРСКИЙ ИНСТИТУТ УПРАВЛЕНИЯ ПРИРОДНЫМИ
РЕСУРСАМИ НИУ “ТИИИМСХ”**

ЖУМАЕВА ТОЗАГУЛ АЪЗАМОВНА

**ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ РАЗЛИЧНЫХ ФАКТОРОВ НА
ГИДРОЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ
БУХАРСКОГО ОАЗИСА И ПУТИ ЕГО УЛУЧШЕНИЯ**

11.00.03 – Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2023.1.PhD/Gr243.

Диссертация выполнена в Бухарском институте управления природными ресурсами НИУ «ТИИИМСХ».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.nigmi.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:

Хожамуратова Роза Тажимуратовна
доктор географических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Муродов Шухрат Одилович
доктор технических наук, профессор

Аденбаев Бахтиёр Ембергенович
доктор географических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «16» мая 2025 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте. (Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: (998) 712358512, факс: (998) 712371319. E-mail: info@nigmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирована за № 228). Адрес: 100052, г. Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел: (998) 712358512, факс: (998) 712371319).

Автореферат диссертации разослан « 3 » мая 2025 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « _____ » _____ 2025 г.)



Б.М.Холматжанов
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.Э.Нишонов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н.

Х.Т.Эгамбердиев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время обеспечение жителей планеты пресной водой с целью охраны водных объектов и предотвращения их от загрязнения является актуальной проблемой, стоящий перед человечеством. Вода – это источник жизненной силы экосистем, фундаментальная основа здоровья и благополучия человека, а также основное условие экономического процветания. В специальном докладе ООН по этой проблеме говорится: «Водные ресурсы – это наше будущее, необходимо действовать вместе для их справедливого распределения и управления, а также обеспечения качества»¹. С учетом этих положений, а также в условиях, когда из года в год увеличиваются потребности в пресной воде, а ее количество, наоборот уменьшается, качество снижается из-за человеческого фактора, важную роль играют исследования, направленные на дальнейшее совершенствование управления водными ресурсами и их эффективное и экономное использования.

В мире внимание уделяется исследованиям в этом направлении, в частности, оценке влияния человеческого фактора на гидрохимическое состояние рек, каналы, коллекторно-дренажные, грунтовые и питьевые воды и вопросам эффективному использованию, водосберегающими и различными методами очистки воды в различных сферах деятельности человека. Также, во всем мире в условиях растущего дефицита водных ресурсов важными считаются вопросы исследования многолетнего формирования гидрологического и гидрохимического режима поверхностных водных ресурсов под воздействием различных факторов, и на основании этого совершенствование методов рационального использования водных ресурсов считается важной проблемой.

В республике осуществляется ряд мероприятий с целью обеспечения более рационального использования водных ресурсов и достигаются существенные результаты. Указом Президента Республики Узбекистан № УП-6024 от 10 июля 2020 года “Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы” определены важные задачи по “внедрение принципов интегрированного управления водными ресурсами, гарантированное обеспечение населения водой, стабильное водоснабжение отраслей экономики, улучшение качества воды и сохранение экологического баланса окружающей среды”². При решении этих задач, исследования по усовершенствованию методов расчета по рациональному использованию водных ресурсов, а также результаты влияния природно-географических и антропогенных факторов на формирования гидрологического и гидрохимического режима рек, коллекторно-дренажных, подземных грунтовых вод имеют важное значение.

¹ Совместный доклад ООН и ЮНЕСКО: «ООН – Водные ресурсы», 2023. www.unwater.org.

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6024 от 10 июля 2020 года “Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы”. <https://lex.uz>.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-101 “О мерах по эффективной организации государственного управления в сфере водного хозяйства в рамках административных реформ” от 20 июня 2023 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-145 «О мерах по совершенствованию управления водными ресурсами и регулированию взаимоотношений между водопотребителями в низовом звене» от 1 марта 2022 года, № ПП-107 “О неотложных мерах по повышению эффективности использования водных ресурсов” от 1 апреля 2023 года, а также в других нормативно-правовых документах, касающиеся этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии приоритетным направления развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Вопросы изменения гидрологического режима рек под влиянием природных и антропогенных факторов, разработки научных методических основ гидроэкологической оценки стока рек под влиянием хозяйственной деятельности человека рассмотрены в исследованиях многих зарубежных ученых. В частности, исследования по изучению этих вопросов проводили зарубежные учёные, такие как G.F.White, J.A.Rodier, T.D.Steele, Ж.Е.Фергюссон, A.U.Kumar, Hsin-Fu Yeh и другие.

Исследования ученых стран бывшего Советского Союза и СНГ, таких как О.А.Алёкин, К.П.Воскресенский, А.М.Никаноров, В.Г.Глушков, А.А.Зенин, А.В.Огиевский, И.А.Шикломанов, Ю.И.Израэль, Д.Л.Соколовский и другие, посвящены вопросам изучения гидрологического режима и качества водных ресурсов, их изменений под воздействием различных природных и антропогенных факторов, а также предотвращению негативных последствий этих процессов.

Первые исследования, направленные на изучение этой проблемы в Узбекистане, были проведены В.Л.Шульцом, О.П.Щегловой, А.З.Зохиловым, Ф.Э.Рубиновой, А.Р.Расуловым, А.Э.Эргашевым и другими.

В настоящее время исследования в этом направлении продолжают такие исследователи, как М.А.Якубов, Ф.Х.Хикматов, Э.И.Чембарисов, Б.Э.Нишонов, О.Р.Рахматуллаев, Б.Е.Аденбаев, Ё.К.Хайитов, Р.Т.Хожамуратова, Р.А.Кулматов, А.Б.Расулов и другие. В этих исследованиях основное внимание сосредоточено на вопросах гидрологического и гидрохимического режимов рек, а также их загрязнения под воздействием различных факторов.

Однако в этих исследованиях подробно не освещены вопросы изменения гидроэкологического состояния водных ресурсов Бухарского оазиса под влиянием различных факторов. Данное исследование отличается от вышеупомянутых исследований тем, что оно посвящено вопросам

